



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 26 май, № 103 (5270)

Пайшанба

Ҳиндистон матбуоти Ўзбекистон Президентининг ташрифи ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Хусусан, Ҳиндистоннинг нуфузли нашрлари — “Ҳиндустан Таймс”, “Экономик Таймс”, “Ҳинду”, “Эйшн Эйдж”, “Минг”, “Бизнес Лайн”, “Мэйл Тудей”, “Керала Таймс”, “Телеграф”, “Стейтсман” газеталари ҳамда “Сандей Индиан”, “Дипломатист”, “Политикал Ивентс” журналлари, шунингдек, IANS, ANI, PTI ва бошқа етакчи ахборот агентликлари ўз мақола ва хабарларини давлатимиз раҳбарининг ташрифи бағишладилар.

Ҳиндистоннинг энг оммабоп нашрларидан саналмиш “Ҳиндустан Таймс” газетасининг бир саҳифасини мамлакатимизга бағишланган “Ўзбекистон — чексиз имкониятлар мамлақати” сарлавҳали мақола эггалган.

Мақолада Ўзбекистон ҳақида, хусусан, қизиқарли тарихий далиллар билан бирга, мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти, иқтисодий моделининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда мустақил йилларида эришилган ютуқлар ҳақида батафсил маълумот берилган.

“Ўзбекистон — бу инсоният тамаддунинг ривожига улкан ҳисса қўшган дунёга машҳур олимлар, муҳаддислар, шоирлар ва саркардаларни воёга етказган кўҳна диёрдир”, дея таъкидланади нашрда.

Газета мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти ҳақида сўз юритар экан, Ўзбекистон мустақиллик йилларида Ўрта Осиёда саноати юқори даражада ривожланган давлат сифатида ўз ўрнини мустаҳкамлаб олганига эътибор қаратади. Шу маънода, мамлакат мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган, дунёда “Ўзбек модели” дея ном олган иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос модели асосида ривожланиб бораётгани қайда этилади.

Шунингдек, мақолада газетхонлар Ўзбекистонда сармоядорлар учун яратилган имкониятлар, мамлакатнинг туристик салоҳияти ҳамда халқимизнинг маданияти ва санъатининг ўзига хос жиҳатлари билан яқиндан танишишлари мумкин. “Ҳиндустан Таймс” саҳифаларида чоп этилган яна бир мақола “Ўзбекистон — Ҳиндистон: кўп асрлик алоқаларга таяниб ривожланаётган ҳамкорлик” деб номланади.

Мақола Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларининг тарихи ва икки томонлама ҳамкорлигининг бугунги босқичига бағишланган. Хусусан, унда ўзбек ва ҳинд халқлари бир-бирининг маданияти, санъати ва адабиётига азалдан катта қизиқиш билдириб келганига алоҳида ургу берилди. Шу ўринда Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама алоқаларга доир масалаларни тезлик билан ҳал этиш ва

ўзаро ҳамкорлиқнинг мавжуд салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш имконини берувчи мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асосни яратишга муваффақ бўлгани қайда этилади. Сўнгги йилларда туризм, тўқимачилик ва автомобилсозлик саноати каби кўплаб соҳаларда алоқаларни ривожлантиришга эришилди. 2010 йил якунлари бўйича икки мамлакат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 20,5 фоизга ўсди ва 150,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ҳиндистоннинг нуфузли моливий-иқтисодий газеталаридан бири “Экономик Таймс” ҳам ўзининг кўш саҳифасида Ўзбекистонга бағишланган мақолаларни чоп этди. Хусусан, нашр ўз ўқувчиларига ўзбек — ҳинд ҳамкорлигига оид “Кўп асрлик муносабатлар суръати”

Унда таъкидланишича, мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги доимий делегациялар ва тажрибалар алмашинуви механизми яратилган бўлиб, у самарали ишланмоқда. Мазкур алмашинувлар чоғида томонлар ҳамкорлиқнинг энг долзарб масалаларини муҳокама қилиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда ўзаро алоқаларининг янги йўналишларини белгилаб олиш имкониятига эга. Қайда этилишича, сўнгги йилларда мамлакатларимиз таълим, туризм, маданий-гуманитар ва илмий алоқалар бўйича ҳамкорликни анча жонлантиришга эришган.

“Ўзбекистонга саёҳат уюштирувчи туристлар сони бўйича Ҳиндистон тобора етакчи ўринларга чиқиб бормоқда, — деб ёзади “Экономик Таймс”. — 2010 йил якунлари бўйича мамлакатга 7 мингдан зиёд ҳиндистонлик сайёҳ ташриф буюрган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 11 мингга етишига барча асослар бор”.

“Баркамоллик сари” деб номланган яна бир мақола Ҳиндистоннинг йирик компанияларидан бири “Минда Груп”нинг Ўзбекистондаги фаолиятига бағишланган. Унда автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш соҳасида ўзбекистонлик ва ҳиндистонлик шериклар ҳамкорлигида яратилган “ЎзМинда” қўшма корхонаси ҳақида ҳикоя қилинади.

(Давоми 2-бетда).

АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида Польша Республикасининг III Миллий кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Польша Республикаси Иқтисодий вазирлиги ҳамда Польша Ҳўжалик палатасининг кўмак маркази ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада ушбу давлатнинг қирққа яқин компания ва корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. Бунда икки давлат манфаатларини кўзловчи савдо-иқтисодий,

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, монопол корхоналар негизда бозор тамойилларига бардошли мулкдорлар синфини шакллантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли тадбиркорлик субъектлари фаолияти тобора ривожланиб бораётди. Бу монопол тармоқлар билан жамият ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йил сайин ошиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

СОҒЛОМ РАҚОБАТ — РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ монополистик фаолиятга қарши сиёсат юритиш, хусусийлаштириш ва хусусий секторнинг жадал ривожланиши таъминлаш миллий иқтисодиётнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг “То-

си эса 19 фоиздан сал кўпроқни ташкил этаётгани ана шундан далолат беради.

Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маъ-

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

рузида Президентимиз “...бозор муяйянлиги ва рақобат тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган, иқтисодиёт соҳаларида соғлом рақобат муҳити шаклланиб, республика иқтисодиётининг тузилиши босқичма-босқич ўзгара бошлади. Масалан, бундан ўн беш йил аввал монополистик корхоналар давлат реестрида 4351 хил маҳсулот ва хизматлар тури бўйича 827 та ҳўжалик субъекти мавжуд эди. Утган давр мобайнида эса, Монополияга қарши давлат органи томонидан турли товор бозорларидаги рақобат шароитини ўрганиш юзасидан доимий равишда таҳлиллар ўтказилиб, улар асосида реестрга тегишли ўзгаришлар киритилди. Натжидада 2000 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда монополистик корхоналар сони 4 бараварга, монопол маҳсулот ва хизматлар миқдори эса 12 бараварга камайди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз яппи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 52,5 фоизни, монопол маҳсулот ва хизматларнинг ҳисса-

носабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари катта роль ўйнайди. Аммо амалдаги “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шунинг эътиборига олган ҳолда, “Рақобат тўғрисида”ги янги қонунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарур. Ушбу қонунда монополистик фаолиятнинг нафақат товарлар бозориди, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозим. Шунингдек, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормаларни ушбу қонунга киритиш мақсадга мувофиқдир”, деб таъкидлаган эди.

(Давоми 2-бетда).

ИЛҒОР ВА СИФАТЛИ МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ



Кеча “Ўзэкспомарказ”да қишлоқ ҳўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг “Uzbekistan Agrominitech Expo-2011” халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси иш бошлади.

Қартилмоқда. Бунда, айниқса, фермерлик ҳаракати қўллаб-қувватланаётгани, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани муваффақиятлар омили бўлаётди. Натжидада бугунги кунга келиб, фермерлар, том маънода, қишлоқ ҳўжалигининг етакчи кучига айланди.

Дарҳақиқат, эндиликда фермерлар галла ва пахта, мева ва сабзавот сингари муҳим қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан чегараланиб қолмасдан, балки қайта ишлашни ҳам йўлга қўйишда ташаббусни кўлга олишган. Бу, ўз навбатида, чекка худудларда янги иш жойларини очиб, бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдиргани ривожлантириш, соҳада самарадорлиқни оширишга алоҳида эътибор

(Давоми 2-бетда).

САЛОҲИЯТИ БАЛАНД, ШИЖОАТИ ҚАТЪИЙ

Юртнинг ёруғ келажига маънан ва жисмонан баркамол, етук интеллегуал салоҳиятли навқирон авлод тақдирига бевоСИТА БОҒЛИҚДИР. Айнан шу боИС мамлакатимизда таълим-тарбия соҳаси ривожига катта эътибор қаратилиб, ёш авлоднинг замонавий асосда пухта билим олиши, истеъдодларини кенг миқёсда намоён этиши учун беқийёс имкониятлар яратилмоқда.

Сўнгги кўнғирок

Бугун жойларда мухташам кўриниш, қулай шарт-шароитга эга бўлган таълим масканлари бунёд этилиб, ушбу ўқув даргоҳларини малакали ўқитувчи ва мураббийлар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар ёшларимизнинг чинакам маънода қатъияти баланд, шижоатда тенгсиз ўғил-қизлар бўлиб камолга етишларини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда 590 953 нафар ўғил-қиз мамлакатимиздаги мавжуд 9779 та замонавий ўқув масканини битириб, таълимнинг навбатдаги босқичига йўлланма олаётди. Умумтаълим мактаблари, мусиқа, санъат ҳамда спортга ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатларда сабоқ олган бу ёшларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, улар қалбда эзгу истак ва умидлар кенг қулоқ ёзаётганига амин бўласиз.

(Давоми 4-бетда).



ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса фуқаролар ҳаётини муҳофаза қилиш, автомобиль йўллари ва кўчаларда хавфсизлиқни таъминлаш ишларининг сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилишида айна мўддао бўлмоқда. Жумладан, яқинда кучга кирган Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани ҳам бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши ва халқимиз ҳаёт тарзи юқалиши натижасида транспорт воситаларининг сони, ўз навбатида, йўлларда ҳаракат йил сайин ўсиб бормоқда. Бу эса ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлигини, мол-мулкни химоя қилиш, содир этилаётган ҳодисаларнинг оқибатларига эътиборни кучайтириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Маълумотларга кўра, Ер юзида йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида йилга 1,5 миллионга яқин киши ҳалок бўлмоқда, жароҳатланганлар сони эса бундан 20-30 марта кўпдир. Кўрилатгани зарар миқ-

дори мамлакатлар миллий даромадининг қарийб 2-4 фоизини ташкил этаётди.

Мамлакатимизда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ишлари Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа бир қатор қонун-қонун ҳужжатлари асосида йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда амалга оширилаётган ислохотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда, тизимни янада тақомиллаштириш, соҳага оид қонунларни либераллаштириш, фуқароларимизга, айниқса, ҳаракат иштирокчиларига қулайликлар яратиш, уларда ҳаракатланиш маданиятини шакллантириш борасида

Қонун кучга кирди

халқимиз билан муайян изланишлар олиб бораёпмиз. Янги Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 28 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар, жумладан, амалдаги 15 та нормага таъририй ўзгаришлар киритилди. 17 та модданинг санкциясида қўрсатилган жазима қишлоқлик мувофиқлаштирилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур Қонун билан йўл ҳаракати қонундорлиқларининг аксарияти учун ягона жазима миқдорлари белгиланди. Шу билан бирга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг

15 та моддасидаги йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жазима миқдорлари ҳамда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш мўддатлари янги таъинланди. Айна пайтда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиқни кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар киритилди. Жумладан, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автобуслар ҳайдовчиларининг масъулиятини ошириш, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида Кодекснинг 125-моддаси янги қисм билан тўлдирилди. Унга кўра, эндиликда шаҳарларда, халқаро йўловчи ташишни амалга оширадиган автобуслар таҳрографларисиз ёки уни ўчирган ҳолда бошқарилса, ҳайдовчига нисбатан маъмурий жазима қўрилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдориди жазима солинади.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 25 май кунини Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Польша ҳўкуматлараро қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

ҲўКУМАТЛАРАРО ҚўШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, божхона, сугурта, фармацевтика, сайёҳлик, спорт, транспорт ва транспорт коммуникациялари, озик-овқат саноати, кимё, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ҳамда идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси А. Камолов мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон — Польша иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро химоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги битимлар каби қирқдан зиёд ҳужжатга асосланади. Бу борада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган.

Юртимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар, изчил давом этаётган хусусийлаштириш жараёни Польша ишбилармонларининг мамлакатимиз билан ҳамкорликка эътиборини кучайтирмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ҲИНДИСТОН МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонда бизнес юритиш учун яратилган афзалликларга уруғ берилган ҳолда, мазкур мақолада мамлакатда ҳорижий компания ва сармоядорларнинг фаолияти учун барча қулай шарт-шароитлар мўҳайё этилганлиги алоҳида таъкидланган. "Бундан ташқари, Ўзбекистон МДХ ва Европа мамлакатлари бозорларига кириш учун қулай йўналиш ҳамдир", дея хулоса қилинади нашрда.

Шунингдек, ушбу газета саҳифаларида Президент Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига бағишланган "Ўзбекистонда ислохотларнинг янги bosқичи" сарлавхали мақола ҳам chop этилган.

Мақола муаллифининг таъкидлашича, Концепция мамлакатнинг келгусидаги ижтимоий-иқтисодий ва демократик ривожланишининг ўзига хос "йўл харитаси"ни акс эттиради. "Ҳужжатда республиканинг мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлари ва ислохотлар жараёнини янада жонлантириш имконини берувчи келгуси чора-тадбирлар атрофида таҳлил этилган, — дея ёзилади нашрда. — Президент Ислам Каримов ташаббусларининг муваффақиятли амалга оширилиши Ўзбекистоннинг Урта Осиё минтақасида иқтисодий ривожланган демократик давлат сифатидаги мавқени янада мустақамлашга имкон беради".

"Ўзбекистон савдо ва тижорат соҳасида жуда қулай ҳам-

кор" сарлавхали мақолада "Экономик Таймс" газетаси Ҳиндистоннинг йирик саноатчиларидан бири, "Спентекс Индастриз" компанияси ижрочи директори Мукунда Чоудри билан бўлган суҳбатни газетхонлар эътиборига ҳавола қилади. Мулоқот чоғида Ҳиндистонлик тadbиркор Ўзбекистондаги фаолиятига доир тажрибалари билан ўртоқлашади.

"Ўзбекистонда ҳорижий ишбилармонлар учун яратилган қулай шарт-шароит тўғрисидаги маълумот олиб бораётимиз ва мамлакатдаги фаолиятимиз янада кенгайтиришни режалаштиряпмиз, — дейди Ҳиндистонлик тadbиркор. — Ўзбекистон савдо, тижорат ва сармоя соҳасида жуда кўп тақлифлар бериши мумкин. Бу ерда яхши ишлаб чиқариш базаси, юқори малакали ишчи кучи, ҳорижий тadbиркорлар манфаатлари ҳимоясини кафолатловчи ҳуқуқий асос мавжуд. Шу боис Ҳинд ишбилармонлари Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя кириштиш масалаларини жиddийроқ кўриб чиқишлари лoзим, деб ўйлайман".

"Экономик Таймс"да chop этилган бошқа бир мақола Ўзбекистонда 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили", деб эълон қилинишига бағишланган. Нашрда қайд этилишича, Ўзбекистонда ҳар бир йилни ижтимоий-сиёсий ёки иқтисодий ислохотнинг маълум бир йўналишига бағишлаш яхши анъанага айланган. Бу эса, давлат ресурсларини муайян бир йўналишнинг долзарб муаммоларини ечиш учун сафарбар этишга имкон яратади.

"2010 йил якунига кўра, мамлакат янги ички маҳсулотига кичик бизнес утгани 52,5 фоизни ташкил этгани аҳамиятга молик ҳолдир. Иқтисодиётнинг ушбу тармо-

ғида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 74 фоизи фаолият юритиши яна бир бор ушбу муҳим соҳага алоҳида эътибор қаратилишининг долзарб эканини аңглатади", дейилади мақолада.

Ҳиндистонда фаолият олиб барадиган дипломатик корпуслар ва килларни орасида машҳур бўлган "Дипломатист" журналида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги тараққиётига бағишланган "Ўзбекистон: жадал ўсиш ва тараққиётнинг йигирма йили" сарлавхали мақола эълон қилинди. Унда мамлакат мустақиллик йилларида "Ўзбек модели" сифатида танилган ва мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос модели асосида ривожланиётгани таъкидланади.

"Моҳиятан ўзига хос бўлган ушбу модель жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам ўз самарадорлиги ва барқарорлигини амалда исботлади", дея қайд этилади нашрда.

Мақолада мамлакатнинг мустақиллик йилларидаги барқарор ривожланишини акс эттирувчи маълумотлар келтирилган. Хусусан, унда ушбу йиллар давомида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга ажратилган давлат бюджетни харажатлари 5 бараварга ошгани, мамлакатда ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар орасида эса 75 ёшга етгани ҳақида сўз юритилди.

"Ҳинду" номли нуфузли газета ҳам ўз саҳифаларида Президент Ислам Каримовнинг Ҳиндистонга ташрифи бағишланган туркум мақолаларни chop этди. Хусусан, нашрда эълон қилинган мазкур ташриф якунларига бағишланган мақолада

томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча жабҳаларини қамраб олган 34 та ҳужжат имзолангани тўғрисида маълумот берилиб, иқтисодий ҳужжатлар мажмуининг умумий қиймати 2,2 миллиард АҚШ долларидан зиёд эканига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистонга ташрифи арасида "Сандей Индиан" журналида ҳам мамлакатимизга бағишланган мақолалар эълон қилинди. "Ўзбекистон Ҳиндистон учун МДХ ва Европага кўприк вазифасини ўташи мумкин" сарлавхали мақолада таъкидланадики, Ўзбекистон ҳамда Ҳиндистон ўзаро муносабатларнинг кўп аспекти тарихига эга бўлиб, ушбу алоқалар бугунги кунда ҳам жадал суръатларда ривожланмоқда.

"Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳамкорлигининг бугунги босқичи кўп томонлама аҳамият касб этиб, сиёсат, иқтисод, ахборот технологиялари, маданий-гуманитар, илм-фан, туризм каби қатор соҳаларнинг турли жиҳатларини ўз ичига қамраб олган. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида сиёсий соҳада ҳеч қандай иттифоқ йўқ. Жаҳон ва минтақавий сийосатга доир қатор масалаларда мамлакатлар ўхшаш ва яқин ёндашувга эга", деб ёзади мақола муаллифи.

Журналда, шунингдек, иккала давлат ҳам ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга бўлган Жанубий ва Урта Осиё минтақаларида тинчлик ҳамда барқарорликнинг сақланишидан манфаатдор экани қайд этилади.

Ҳорижий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистонга амалга оширган ташрифи якунларига бағишланган мақолаларнинг chop этилиши давом этмоқда.

«Жаҳон» АА. Дехли

(Давоми. Боши 1-бетда).

сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги битимлар ижроси, айниқса, муҳим аҳамият касб этаётир. Жумладан, айни пайтда республикамизда польшалик инвесторлар иштирокида йигирмадан зиёд корхона фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар томонидан қурилиш, тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё саноати, шунингдек, мебелсолик ва атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Бундан ташқари, ўтган йилда Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 104,7 миллион АҚШ долларини ташкил этгани ҳам икки давлат ишбилармонлари ҳамжихатлигига ақлол мисол бўла олади. Бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда эса, табиийки, анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган кўрғазма ўзига хос ўринга эга. Шу боис кўрғазмага польшалик тadbиркорлар қўллаб янги турдаги маҳсулотлари билан келишмоқда. Масалан, фармацевтика ва озиқ-овқат қўшимчалари ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган "Гербаполь" компанияси маҳсулотларининг олтиши беш фоизи экспортга йўналтирилди. Юқори технология ва халқаро талаблар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга эҳтиёж ортиб бораётгани уларни янги ҳамкорлар билан ишлашга ундамоқда. Компания вакили Евелина Залусканинг билдиришича, кўрғазмага улар ўзбекистонлик шериклар билан алоқаларини янада мустақамлаш ниятида ташриф буюришган.

Умуман, галдаги кўрғазмада "Selena", "PPHU Soldrip", "Skorut", "Dresta", "DZT" сингари Польшанинг машҳур компания ва корхоналари томонидан тақдим этилаётган маҳсулот ҳамда хизматлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Польша Республикасининг III Миллий кўрғазмаси 28 майга қадар давом этади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОАВ ва ҚОНУНЧИЛИК

Бугунги кунда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини қучайтириш долзарб вазифага айланди. Бу мақсадга, Президентимиз таъбири билан айтганда, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғоялари, содир бўлаётган воқеаларга шахсий муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб эришиб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланганлигининг боиси ҳам ана шунда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда шулар ҳақида сўз берди. Унда қўйи палата депутатлари, мутахассис-экспертлар, ОАВ ходимлари, профессор-ўқитувчилари ҳамда Тошкент ва Сирдарё вилоятидаги нашрларда қалам тебратётган ёш журналистлар иштирок этди.

Тadbирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ўрни тораба мустақамлашиб бораётганлигига эътибор қаратдилар. Кейинги 10 йилда босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробарга қўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етгани, мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари эканлиги бунинг ёрқин тасдиғидир.

Семинарда бу борада яратилган мустақам меъёрий-ҳуқуқий асос сўз эркинлиги ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлаш, соҳани жадал раванқ топтириш, қисқача айтганда, оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштиришда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўз навбатида, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти ни оммага теzkор ва холис етказиш соҳа ходимлари зим-

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

масига юксак масъулият юклайди. Ана шу вазифаларни бекамму қўст бажаришда Концепцияда илгари сурилган тақлиф ва ғояларнинг аҳамияти катта. Концепцияда белгиланганлигидек, миллий матбуотимизни ривожлантириш, унинг эркин, ошқора ва самарали фаолият кўрсатиши учун жаҳон андозаларига мос шарт-шароитлар яратиш, меъёрий-ҳуқуқий ва моддий-техника базасини мустақамлаш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бугунги кундаги долзарб вазифалардан саналади.

Тadbирда сўзга чиққанлар Концепцияда тақлиф этилган қонунлар ОАВ тараққиётини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилишини эътироф этдилар. Зеро, ҳозирги глобал ахборот майдонига ўз сўзи ва ўрнига эга бўлган мамлакатимиз жадал ривожланади, қўзланган чўққиларни забт эта олади.

Семинарда қўриб чиқилган масала бўйича тегишли тасдиялар қабул қилинди.

Санджон МАХСУМОВ.

ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. 2010 йили бу борадаги кўрсаткич 104,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Польша сармояси иштирокида тузилган йигирмадан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Юртимизда Польшанинг етти йирик компанияси ўз ваколатхонасини очган.

— Ўзбекистон Польшанинг муҳим иқтисодий ҳамкорларидандир, — деди Польша иқтисодий вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Рафал Баняк. — Глобал иқтисодий инқирозга қарамай кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ошishi давом этди. Ўзбекистон ва Польша ўзаро ҳамкорлигини самарали ривожлантириш учун барча имкониятларга эга.

Мажлисида икки мамлакат ўртасида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида сўз юритилди. Савдо, сармоя, банк-молия, нефть-газ, сайёҳлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, Польша компанияларини юртимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, қўшма корхоналарни, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини қўпайтириш, биргаликда ўзаро фойдаланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан манфаатдор давлат органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

СОҒЛОМ РАҚОБАТ — РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

сидан чораларни амалга оширишга имкон бермайди.

Молия бозори иқтисодиётнинг энг асосий қон томири ҳисобланади. Мазкур бозорда ҳозирги кунда юзлаб субъектлар фаолият юритиб келмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш ушбу соҳада рақобатни ривожлантиришдан устувор ҳисобланган. Бугунги кунга келиб эса, мазкур тизимда соғлом рақобат муҳити шаклланган ва унда рақобатга қарши ҳаракатлар ҳамда қайта монополашувнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Негаки, молия тизимида монополияга қарши тартибга солиш механизмининг жорий қилиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Молия бозорларида рақобатни таъминлаш бўйича янги қонун лойиҳасида қўпгина меъёрлар кўзда тутилган. Хусусан, амалдаги қонунда "бозор", "бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар", "инфосиз рақобат", "камситувчи шартлар", "но-тўғри таққослаш", "монопол юқори нарҳлар", "монопол паст нарҳлар", "шахслар гуруҳи", "устун мавқе" каби асосий тавсифларни бир-биридан аниқ ажратиш ва тоифалаш тартиби мавжуд эмас. Бу эса амалиётда мазкур қонунга шарҳ беришда фарқланиши ҳамда уни таътиб қилишда турли муаммоларни юзага келтиради.

Янги қонун лойиҳасида юқорида келтирилган умумий тавсифларни аниқлаштириш билан бир қаторда, янги тушунчалар ҳам киритилди. Шунингдек, "устун мавқе"ни тавсифлаш принципини, субъектнинг товар ва хизматлар бозоридagi устунлик мавқени ўрнатиш мезонларини аниқ ва пухта белгилаш ҳамда бозор улуши ҳажмини қисқартириш йўли билан ўзгартириш кўзда тутилган.

Маълумки, монополияга қарши қонунчиликнинг йўналишларидан бири, бу — бозор субъектининг ҳўжалик фаолиятини юритишга таъсир кўрсатиш йўли билан товар бозорларининг монополашувига ва рақобатни чеклашга йўл қўймаслик мақсадида ҳўжалик субъектининг устув

капиталидаги 35 фоиздан ортиқ бўлган акциялар (улушлар)ни сотиб олиш бўйича битимларни тузиш устидан назорат олиб бориш ҳисобланади. Активларнинг бошланғич баланс қиймати пастлиги сабабли битимларни келишиш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан акциядорлик жамиятлари устав фондларининг ҳажми 10 баробардан зиёдга кўтарилдики, бу ҳам акция ва улушлар сойтиб олиш бўйича битимларда қатнашувчи инвестор ва эмитент активларининг ҳамда қиймати амалдаги қонунда

ИЛҒОР ВА СИФАТЛИ МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур халқаро кўрғазма-савдога қизиқиш йил сайин ортмоқда. Бу йил унда Германия, Италия, Хитой, Польша, Россия, Франция каби дунёнинг 23 мамлакатидан юздан зиёд компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этаётгани шундан далолат беради.


Кўрғазма-савдода мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, чорва учун ем тайёрлаш, боғдорчилик ва узумчилик учун минитехника ва ускуналар, қадоклаш-

ги билан рақобатга кириша олаётти. Бунга "Exolding" корхонасининг маҳсулотлари мисол бўла олади. Ушбу корхонада тайёрланаётган паррандачилик фермалари учун махсус катаклар, инкубатор ва вентиляторлар, юк мотоцикли ва ихчам тиркамалар фермерларга маъқул бўлиб, уларнинг хариди бўйича шартномалар имзолашмоқда.

Кўрғазма-савдода мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, чорва учун ем тайёрлаш, боғдорчилик ва узумчилик учун минитехника ва ускуналар, қадоклаш-



Ақсар ЁҚУБОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, кодекс "Юк ташини ва шатакка олиш қондаларини бузиш" деган янги модда билан тўлдирилди. Бу бежиз эмас. Сабаби, йўл ҳаракати қондаларининг 23, 26, 28-бандларида юкларни ташини ва механик транспорт воситаларини шатакка олиш қондаларини қўрсатилган бўлса-да, Кодексда бу турдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик назарда тутилмаган эди. Жавобгарлик бўлмаганлиги тўғрисида сўнгги пайтларда йўлларда юкларни ташини ва механик транспорт воситаларини шатакка олиш билан боғлиқ қондабузарликлар қўпайиб, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқараётгани. Шу сабабли кодексда бундай ҳуқуқбузарликлар энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорига жарима солинишига сабаб бўлиши мумкинлиги белгиланди.

Тегишли руҳсатномасиз оғир ваэлни, йирик габаритли, хавфли юкларни ташини ва юк билан ёки юксиз ҳолдаги габарит ўлчамлари белгиланган нормалардан ортиқ бўлган транспорт воситаларида йўлга чиқиш, шунингдек, руҳсатномада қўрсатилган ҳаракат йўналишидан четга чиқиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорига жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга, юк ташини учун масъул бўлган мансабдор шахсларга эса — энг кам иш ҳақининг ўн

беш баравари миқдорига жарима солишга сабаб бўлади. Кодексга киритилган асосий ўзгартишлардан яна бири, бу — 128-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қўпол қондабузарликлар учун жавобгарликнинг алоҳида моддаларда акс эттирилганлиғидир. Қонунчиликни такомил-

қондаларига қатъий риоя этилишига, ҳайдовчи ва пиедаларнинг бир-бирларини ҳурмат қилишларига ҳам боғлиқ. Яна шунини унутмаслик керакки, ҳар бир ҳайдовчи нафақат транспорт воситасининг бошқарувчиси, балки ҳаракатланиш хавфсизлиги учун жавобгар шахс ҳамдир. Афсуски, айрим ҳайдовчи-

воситасини бошқарган ёки тиббий қўриқдан ўтишдан бўйин товланган ҳуқуқбузарларга нисбатан шу қунга-ча қўлланиб келинган жарима жазоси олиб ташланиб, фақат транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазосини қўллаш кўзда тутилган.

Транспорт воситалари ҳайдовчи-

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

ларимиз баъзи ҳолларда ўз зиммаларидagi ана шу масъулиятни унутиб қўядилар. Бу эса жуда ҳам ачинарли ҳодисаларни келтириб чиқариши турган гап. Шу боисдан ҳам кодексда ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариши учун қўлланиладиган жазо чораси кескин қучайтирилди. Эндиликда бундай ҳуқуқбузарлик учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир ярим йилдан у йилга-ча муддатга маҳрум этиш жазоси қўлланилади. Шунингдек, худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бўлган шахс томонидан содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорига жарима солишига ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Маълумки, йўлларда турли қўлчилмасликларнинг содир бўлмаслиги, кўп жиҳатдан йўл ҳаракати

ларининг тўхта ёки тўхтаб туриш қондаларини бузиши энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорига жарима солишга сабаб бўлади. Агар ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш вақтида мобил алоқа воситасидан фойдаланса, унга энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорига жарима солинади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган. Уйлаймики, ҳар бир ҳамюртимиз ўз интизоми, йўл ҳаракати қондаларига қатъий амал қилиши билан хавфсизликни таъминлашда ҳаётий зарур ишга муносиб улушларини қўшадилар. Зеро, қонунлар кимнидир жазолаш учун эмас, балки ҳаётимизни фаровон этиш мақсадида қабул қилинади. Унинг ижросини таъминлаш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Транспорт воситасини бошқариш ва йўловчилар ташиниш хавфсизлиги камарида, мототеллардан фойдаланиш қондаларига риоя этмаслик энг кам ойлик иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдорига жаримага сабаб бўлади. Янги қабул қилинган Қонунга асосан, йўл-патруль хизмати инспекторлари фақатгина энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ошмайдиган жарима назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун жойида жарима ундиришлари мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки, ҳозирги кунда йўл-патруль хизмати инспекторлари билан ҳаракат қатнашчилари ўртасидаги мулоқотни имкон даражасида чеклаш, турли хил суиистеммоликлар, баҳс ва эътирозларнинг олдини олиш мақсадида жойида жарима ундириш механизмига ўзгартиш киритиш бўйича қонун лойиҳаси ҳам тайёрланди. Унда йўл-патруль хизмати инспекторларида фақатгина қондабузар пиедаларга нисбатан жойида жарима қўллаш ваколатини қолдириш тақлиф этилмоқда.

Х. САЙДАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙҲХ Бош бошқармаси бошлиғи, полковник.



24 соат ичида

«Қора қути» топилди

2009 йилнинг 1 июнь куни Атлантика океанида ҳалокатга учраган «А330-200» ҳаво лайнерининг «қора қутиси» орадан икки йил ўтиб топилди.



Уни махсус қидирув гуруҳи ходимлари уммоннинг 3,5 километр чуқурлигидан аниқлашган. Фалокат сабабларига ойдинлик киритувчи мазкур далил текшириш ишлари олиб бориш учун Францияга жўнатилди.

Ўрмон ёнғинларидан зарар кўрмоқда

Канаданинг Альберта вилоятидаги Слейв-Лек шаҳарчасининг етти минг нафар аҳолиси зудлик билан бошқа жойга кўчирилди.

Бунга мазкур ҳудудда қузатилаётган ўрмон ёнғинлари сабаб бўлди. Чунки айни пайтга келиб, «тилсиз ё» бу ердаги тураржой биноларининг 50 фоизга яқинини «кулини кўкка» совурган. Аксарият маъмурий иншоотлар, савдо шохобчалари ҳамда корхоналарга қарашли биноларга ҳам жиддий зарар етган. Эсаётган кучли шамол таъсирида оловнинг тарқалиш суръати соатига 80 километрни ташкил этмоқда. Ёнғинни бартараф қилиш учун мингга яқин ўт учирувчи, 100 та вертолёт ва 20 та самолёт жалб этилган.

Ўн беш сониялик офат

АҚШнинг Миссури штатидаги Жоплин шахри юз берган торнадо туфайли бутунлай вайронага айланди.



маълум қилишмаганда, қурбонлар сони бундан ҳам ортик бўлиши мумкин эди.

Гувоҳлардан бирининг айтишича, офат, бор-йўғи, ўн беш сония юз берган. Хозир қидирув-қутқарув ишларини олиб боришда кўплаб муаммолар юзага келмоқда. Чунки эсаётган шамолнинг тезлиги ҳамон юқори. Бу эса яна торнадо содир бўлиш эҳтимолини оширмоқда. Шаҳарнинг кўплаб туманларида электр ва ичимлик суви таъминоти ҳамда телефон алоқаси узилиб қолган.

Таъсир кўлами ортмоқда

Исландиядаги энг катта Гримсвотн вулканининг ҳаракатга келиши Европа авиакананиялари фаолиятини издан чиқарди.

Жумладан, «KLM» компанияси режадаги 16 та парвозни амалга ошира олмаган бўлса, Рейкьявик, Эдинбург халқаро аэропортларининг фаолияти вақтинча тўхтаб қолган. Буюк Британия, Испания ва Франция каби мамлакатлар ҳам ана шундай синовини бошдан кечириши аракасида. Шу боис мутахассислар бундай вазиятда тарафқилликка йўл қўймаган маъқул, деб ҳисоблашмоқда.



Вулқоннинг салбий таъсири фақат шугина эмас. Маълумотларга қараганда, табиий офат Исландия ва унга қўшни бўлган ҳудудлар қишлоқ ҳўжалигига ҳам катта зарар етказиши мумкин. Чунки хозир чорва моллари ва бошқа турдаги жонзотлар атмосферасига кўтарилаётган буғлардан захарланаётгани аниқланган.

Каталониянинг «Барселона» клуби эса вулқон туфайли Европа чемпионлар лигаси финал баҳсига тайёргарлик режасини ўзгартиришига тўғри келмоқда. Сабаби, вазият шундай давом этса, клуб Англияга бориш учун самолёт хизматидан фойдалана олмайди. Испаниядан Англиягача бўлган масофани бошқа транспорт воситасида босиб ўтиш футболчиларни анча толиқтиради. Эслатиб ўтамиз, мазкур йўл 28 май куни Англиядаги «Уэмбли» стадионида бўлиб ўтади. Унда «Барселона» маҳаллий «Манчестер Юнайтед» клубига қарши баҳс олиб боради. Сунги маълумотларга қараганда, айни пайтга келиб вулқон фаолиги пасайган.

Пойга муддати ўзгартирилди

Электр энергияси қуввати билан ҳаракатланувчи автомобиллар ўртасида ташкил этиладиган биринчи жаҳон чемпионатининг бошланиш муддати ўзгартирилди.



Аммо яқинда мусобақа ноябрь ойида АҚШнинг Лагуна Сека трекида бошланиши билдирилди. Қизиқ жиҳати, дастлаб жорий йилда «EV Cup» дея ном олган мазкур турнир етти босқичда ташкил этилиши маълум қилинган. Энди эса у икки босқичда ўтказиладиган бўлди. Ташкилотчиларнинг негати бундай қарорга келгани номаълум.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

АҚШда ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглиқдан бошланиб, ҳали-ҳануз давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз халқаро савдонинг қисқаришига ҳамда экспорт қилувчи мамлакатларда тўлов баланси тақчиллигининг ортишига олиб келди. Мана шундай мураккаб шароитдан, қандай бўлмасин, чиқиб кетиш илинжида ҳар ким турли йўллари кўлаб кўришга киришди. Масалан, тараққий этган давлатларда миллий валюта қадрсизланишининг олдини олиш мақсадида компания ва фирмалар қарзларининг реструктуризацияси (қарз шартларини ўзгартириш) ҳамда банкротликдан сақлаб қолишга қаратилган чоралар дастури жорий этилди. Бунинг учун Буюк Британия ялпи ички маҳсулотининг 32 фоизини, Нидерландия 40, АҚШ 30, Германия 20 фоизини, Россия ҳамда Хитой захира фонднинг катта қисмини сарфлашига тўғри келди.

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Айтиш жоизки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан, биринчи навбатда, ички талабни ўз маҳсулотлари ҳисобига қондирмаган ва иқтисодий ислохотларга жиддий ёндашмаган давлатлар катта зарар кўрди. Бунинг натижасида Украина, Испания, Португалия ҳамда Грецияда дефолт, яъни давлатларнинг қарз мажбуриятлари бўйича асосий ва фоиз тўловларини белгиланган вақтда тўлай олмаслик ҳолатлари кутулаётган эди. Аммо улар иқтисодиётни товарлар билан таъминланмаган нақд пуллар орқали тўйинтиришга қаратилган инфляцияни сиёсат юритиш орқали дефолт ҳолатидан чиқаришга муваффақ бўлди.

Инқироз, шунингдек, евро учун ҳам жиддий синов вазифасини ўтади, десак, муболага бўлмайди. Бундай шароитда Европа Иттифоқидаги мамлакатлар мафратлари икки кутбга — шимоллий дефляция, яъни евро қадрини ошириш ва жанубий инфляция, яъни евро қадрини тушириш тарафлари бўлган давлатларга бўлингани кўзатилади. Жумладан, «кўхна китъа»нинг бошқа асосий валюталарга нисбатан кескин тебранишлари

Греция, Испания ва Португалияни қийин аҳволга солиб қўйди. Маълумки, Урта Ер денгизи бўйидаги мамлакатлар иқтисодиётининг салмоқли қисми туризм соҳасига тўғри келади. Ушбу соҳалар евро жорий этилгунга қадар миллий валюта девальвацияси ҳисобига бюджетдан молиялаштирилган эди. Умумий валютанинг жорий этилиши ҳамда конвергенция, яъни давлатларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий сиёсатини бир хиллаштириш мезонларига риоя этиш талаблари бюджет харажатлари даромадларидан ошиб кетишининг жиддий чекланишига олиб келди. Бу эса 2009 йил охирида мазкур мамлакатларнинг йирек сармоядорларида валюта тизимига нисбатан ишонсизлик уйғонишига, пировардида Грециянинг Европа Иттифоқидан 110 миллиард евро қарз олишига, Португалиянинг ҳам 80 миллиард евро миқдорда қарз олиш учун мурожаат қилишига сабаб бўлди. Шу ўринда ушбу давлатлар ижтимоий соҳага ажратиладиган харажатлари кескин қисқартириш ҳисобига қарз олаётганини қайд этиш ўринлидир.

Бундан ташқари, жаҳон иқтисодиёти айни пайтда экспорт ҳажмининг қисқариши муаммосига дуч келмоқда. Ишлаб чиқариш ва савдо ўсишининг узоқ вақт тўхташини олдини олиш учун йирек давлатлар, жумладан, Хитой ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириши эмас, балки ички талабни рағбатлантириш дастурларини татбиқ этишга ҳаракат қилмоқда. Иқтисодиётдаги бундай ҳолат, айниқса, Европадаги кичик давлатларда қийинчилик туғдирди. Бу эса даромадлар ўртасида фарқ ортиши, иш ўринларининг қисқариши, эмиграция жараёнларининг кучайиши ва қитъадаги интеграциянинг усайишига олиб келди. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон майдонида тобора мустақкам ўринга эга бўлиб бораёпти. Бу, аслида, миллий тараққиёт йўлимизидан белгилаб берган, бугунги кунда халқаро миқёсда катта қизиқишга сабаб бўлаётган «ўзбек модели»нинг самарасидир. Унинг асосий тамойиллари, биласиз,

Дарҳақиқат, республикада ялпи ички талабнинг ўсиши миллий маҳсулотлар ҳисобига қондирилиши, бюджет кўрсаткичларининг профитит билан бажарилаётганлиги, ижтимоий соҳадаги ижобий ўзгаришлар, ўрта синфнинг кенг қанот ёзаётганлиги, аҳоли даромадларининг йил сайн ўсаётганлиги, макроиқтисодиётдаги, молия ва банк тизимидаги барқарорлик — буларнинг бари «ўзбек модели» деб ном олган миллий тараққиёт йўлимизидан нақадар тўғри эканини яна бир қарра тасдиқлайди. Бу бизга чексиз гуруру ва ифтихор баҳш этади, албатта.

Тўлқин РАСУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида олиб борилаётган ислохотлар юртдошларимизнинг рўзгордан узилмаган ҳолда меҳнат қилиши ва даромад топиши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 5 январдаги «Йирек санаот корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётди.

КОРХОНАГА МАДАД, КАСАНАЧИГА ДАРОМАД

— Маҳалламизда жорий йилнинг ўтган тўрт ойида йўнлаб касаначилар янгидан иш бошлади, — дейди галчанола Дилноза Шодмонова. — Биз ҳам оила аъзоларимиз билан тўрт йилдан буён ушбу фаолият турини билан шугулланаямиз. Касаначилик асосида ортирган даромадимиз ҳисобига хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш ҳаракатидамыз. Дилноза Шодмонова ўтган даврда фермер ҳўжаликлари ва корхоналарга буюртма асосида махсус иш кийимлари тикиб, етказиб берди. Бу давр оила аъзолари учун иш стажига сифатида меҳнат дафтрасига қайд этилди. Касаначилар нафақа ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинланиши, уларнинг зарур хом ашё ва материаллар билан таъминланиши ҳамда солиқдаги имтиёзлар ҳамжишюқларининг ҳам бу соҳага қўли уришига туртки бўлди. Айни пайтда ўзини ўнлаб олган кўплаб касаначилар ўз корхоналарини ташкил этишмоқда.

— Вилоятда тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари сони салкам 19 мингтадан иборат, — дейди Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Ш. Қўзиёв. — Бу умумий солиқ тўловчиларнинг 71,6 фоизини ташкил этади. Жорий йилда ягона солиқ тўловининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши соҳа вакилларига кўрсатилган яна бир гамхўрлик ифодаси бўлди. Ушбу имтиёз натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятимиздаги микрофирма ва кичик корхоналар ихтиёрида 75,2 миллион сўм маблағ қолди. Шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятни кенгайтириш эвазига тўланган солиқ миқдори 1,7 миллиард сўмга етди ва пировардида бюджетга қўшилаётган улшў кўпайди. Айни пайтда бундай имтиёزلардан касаначилар ҳам самарали фойдаланишмоқда. Хусусан, уй меҳнати билан банд фуқароларнинг солиқ имтиёзлари орқали тежаган маблағлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан салкам 2 баробар кўп бўлди. Жиззах туманида оила аъзолари билан 5 хилдаги кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқараётган, миллий хунармандчиликка меҳр қўйган Зулхумор Усарова касаначиларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда меҳнат муҳофазаси қонун доирасида таъминланаётганидан мамнуллигини айтади. «Уй меҳнати учун яратилаётган шарт-шароитлар аҳолини бу соҳага янада кенгрок жалб қилиш имконини бермоқда», дейди у.

Юртбошимизнинг юқорида номи қайд этилган Фармонида «Товарлар (ишлар) ва хизматлар» ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар... 2014 йилнинг 1 январигача, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинсин», дейилган. Бу эса уй меҳнати билан шугулланаётганлар учун катта қўмак ва имтиёздир.

Айни пайтда вилоят давлат солиқ бошқармаси Фармонда кўзда тутилган бу каби имтиёзларни қўллашда суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш чора-тадбирларини кўраёпти. Жойларда касаначилар иштрирокида ўтказилаётган семинарлар, давра сўхбатларида солиқ қонунчилиги юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ошқора мулоқотлар чоғида юзага келган муаммолар ижобий ҳал этилаётди. Бу эса касаначилик ҳисобига рўзгорига барака қираётган оилалар сафининг тобора кенгайишида муҳим омил бўлаёпти.

Баҳриддин САТТОРОВ.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан Хоразм вилоятининг барча шаҳар ва туманларида мактаб битирувчиларига касб танлашларида қўмаклашиш, уларни касб-ҳўнар коллежлари ва академик лицейлардаги мутахассисликлар билан яқиндан таништириш мақсадида «Мутахассислик — сенинг келажагинг» номли кўргазмали тадбирлар ўтказилди.

«Мутахассислик — сенинг келажагинг»

«Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга вилоятдаги 532 та умумтаълим мактабининг 30 минг нафарга яқин битирувчилари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Унда вилоятдаги 85 та касб-ҳўнар коллежи ва 6 та академик лицей жамоалари ўз фаолиятлари тақдимотини ўтказишди. Хар бир билим даргоҳи ҳақидаги тўлиқ маълумотлар акс этирилган махсус буклетлар, тарқатма материаллари, айниқса, ўқувчиларга хар бир таълим маскани билан яқиндан танишиш имконини берди.

Кўргазмада ёш санъаткорлар ихросида концерт дастурлари ҳам намойиш этилди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ва 2010 йилда 8,5 фоизни ташкил этгани, кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилдагига нисбатан таққослаганда, ўтган йили ялпи ички маҳсулот қарийб икки баробарга ўсгани ана шундан далолат беради. 1997 йилдан бошлаб мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан кириб келаётган хар бир йилга жамиятимиз, бутун эл-юртимизнинг фикру зикри ва интилишларини ифода этадиган, янги куч-қувват бағишлайдиган ном бери натижасида эса барча жаҳаларда юксак марралар қўлга киритилиб, аҳоли турмушу фаровонлиги таъминланаётгани ҳам диққатга сазовордир. Биргина «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини бажариш учун барча манбалар ҳисобидан қарийб 8 триллион сўм маблағ сарфланганини ҳисобга олсак, ушбу йўналишда рўёбга чиқарилган ишларнинг қўлами ва миқёси янада яққолроқ намоён бўлади.

Юртимизда 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинган, гапнинг индаллосини айтганда, тарқибий ўзгаришлар ҳамда юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жadal ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш каби муҳим вазифалар ихроси орқали мамлакатимизни янада барқарор ривожлантиришнинг гаровидир.

Дарҳақиқат, республикада ялпи ички талабнинг ўсиши миллий маҳсулотлар ҳисобига қондирилиши, бюджет кўрсаткичларининг профитит билан бажарилаётганлиги, ижтимоий соҳадаги ижобий ўзгаришлар, ўрта синфнинг кенг қанот ёзаётганлиги, аҳоли даромадларининг йил сайн ўсаётганлиги, макроиқтисодиётдаги, молия ва банк тизимидаги барқарорлик — буларнинг бари «ўзбек модели» деб ном олган миллий тараққиёт йўлимизидан нақадар тўғри эканини яна бир қарра тасдиқлайди. Бу бизга чексиз гуруру ва ифтихор баҳш этади, албатта.

Тўлқин РАСУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Хайрли ташаббус

Шаҳрисабз туманидаги «Раунов Абдуманнон мойчи» фермер ҳўжалигида «Мутахассисликнинг 20 йиллиги» боғи ташкил этилди.

Саккиз гектар майдонни эгаллаган мазкур боғнинг бир гектарига хориждан келтирилган зайтун дарахти, қолган қисмига эса ўрик, олма, ананас, қайта қайиш, ёнғок қўчталари йўлга қўйилмоқда.

Кайд этиш жоизки, ушбу хайрли ташаббус натижасида 10 га яқин иш ўринлари яратилди. Ил охирига қадар ҳўжаликка ўсимлик мойи ишлаб чиқариш технологияларини олиб келиш мўлжалланмоқда.


Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

IGEX advertisement for bank services, including currency exchange and detection services.

Advertisement for 'KAFEL' (bathrooms) and 'SANTEXNIKA' (kitchenware) with contact information.

Advertisement for Hyundai Accent car, showing the car and contact details.

Сурхондарё вилоятида 400 га яқин тарихий обидалар рўйхатга олинган. Мустақиллик йилларида воҳа аҳли бобакалонларидан мерос бўлиб қолган ёдгорликларни қайтадан тикладилар. Обод гўшаларга айлантирилди.



ЭШИТГАНДАН КЎРГАН АФЗАЛ

Жаркўрғон минораси сирли-синоатли ишоот. Салжукли султонлар даврида саракхил уста Али ибн Муҳаммад томонидан 8 қиррали пойдевор устига ярим айлана (гофр) шаклида 16 қиррали қилиб қурилган, бўйи 21,6 метрлик бўлган минора узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Оқдиди пишиқ гиштдан иборат деворлари узра кўш нурали живаланиб туради ва бу манзара унга алоҳида бир маҳобат бағишлайди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, миноранинг баландлиги аслида 54 метр бўлган. Уша баландликка ички айланма зинапояли йўлдан чиқиб борилган. Ҳозир қисмида чиройли гумбаз кўтарилган. Минора савдо қарвонлари учун маёқ вази фасини ҳам ўтаган.

Замонлар, қарвонлар ўтавергану лекин минорани сақлаш, унинг ўпирилиб тушган гиштарини жойига қўйишга эътибор берилмаган. Ўтган асрнинг 90-йилларида қадар минора ярим белига қадар тупроқ остида кўмилиб ётган, ичкари-сига кириб бўлмади. Нимасини айтасиз, унинг остонасига қадар томорқага, молхонага айлан-тирилган.

Фақат истиқлол минорага фаёз, иккинчи умр бахш этди. Ёш тadbиркор Абдулла Раҳмонов маҳалла-қўйнинг кўмаги билан бу табаррук масканини обод қилди: унинг пойдеворини очди. Ховлисини кенгайтирди. Ёнидан ўтган ариқчи бетон қоплама билан таъмирлади. Бу хайрли ишга маҳалла оқсоқоллари, 24-мактаб жамоаси бош қўшди. Улар миноранинг музейини барпо қилдилар. Ёдгорликка тегишли, қишлоқ тарихига оид ҳужжатларни жамладилар. Археологик топилмалар билан бойитдилар.

— Бу тadbирлар мактабда таълим-тарбия сифати-га ихобий таъсир ўтказаетганини айтинг. Айрим мав-

зулардаги машғулотларни биз минора пойида ва музейида ўтказишни йўлга қўйдик, — дейди тарих ўқитувчиси Ҳасан Саидов. — Бу усул бизга яхши самара берапти. Ахир минг марта эшитгандан кўра, бир бора кўрган афзал, дейдилар-ку. Миноранинг тарихи ва бугунги кунини ўрганиш бўйича ташкил қилган тўғарагимиз машғулотларига ҳам қизиқиш катта. Тарих ҳақидаги билимлар, албатта, ёшларимизнинг келажақ йўлларини ёритиб беради.

Минора шарафига у жойлашган худуддаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳам “Минор” деб аталди. Маҳалла ҳам ўз ёдгорлигига муносиб равишда юксалтаётганини таъкидлаш жоиз: йўллар, ариқлар равон. Хонадонларнинг фаёзу таровати ҳавас қилгулик. Одамлар бунёдкорлик юмушлари билан бек: дурадгорлик, темирчилик, тунукасозлик, зардўзлик, бичиш-тиқиш устаноналари ишлаб турибди. Яқинда Минорга табиий газ келди. 100 та хонадоннинг тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Энди 24-мактабда янги спорт зали қурилмоқда. Касаначилик асосида янги иш ўринлари очилапти. Намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган янги уйлар учун пойдеворлар тикланмоқда.

— Яқинда минорамизни зиёрат қилгани кишлоғимизга хорижлик сайёҳлар келишиди, — дейди маҳалла фаолларидан бири Мамат Хўжамбердиев. — Бизнинг бугунги турмуш тарзимиз уларнинг қалбида ҳавас ва ҳайрат уйғотганини сездим. Шундан билдимки, биз ўтган 20 йилни бекорга ўтказмабмиз. Мустақиллигимизга муносиб юмушларни амалга оширибмиз. Бу тўғру одамларимизни келажакка янада ишонч билан қадам ташлашга даъват этади.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ

— Спортнинг бу тури билан шуғуланиб, шундай катта ютуқларга эришаман, деб сира ўйламаган-диму, — дейди академик эшак эшиш бўйича кўра Ўзбекистон чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Севара Мирзабекова. — Кези келганда фахр билан айтишим керакки, юртимизда биз, ёшларга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликлар туғайли мен каби оддий кишлоқ қизларининг орзулари рўйга чиқмоқда. Тенгдошларим дунёнинг манаман деган мамлакатлари спортчилари билан тенгма-тенг баҳс олиб бориб, мунтазам совриндорлар сафидан жой эгаллашмоқда. Айтинг-чи, бундай муваффақиятлардан фахрланмай бўладими?!



Мамлакатимизда спорт, хусусан, болалар спортини ривожлантириш, ёшларни оммавий спортга жалб этишнинг шундай тизими яратилганки, дунёнинг энг ривожланган давлатлари ҳам бунга ҳавас билан қарамоқда. Масалан, уч босқичли спорт ўйинларини олайлик. “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт мусобақаларини ўзида мужассамлаштирган мазкур тизим ёшларни оммавий спортга жалб қилишда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, терма жамоалар учун муносиб номзодларни саралаб олиш имконини ҳам бермоқда.

Сирдарё вилояти олимпия ўринбосарлари, болалар ва ўсмирлар махсус спорт мактабида маҳоратини ошираётган Севара Мирзабекова ҳам ана шундай эътибор ва ғамхўрлик туғайли улкан ютуқлари кўлга киритган иқтидорли ёш спортчилардан бири. Қолаверса, мазкур мактаб ўқувчиси, академик эшак эшиш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Руслан Наурузалиевнинг эришган натижалари давлатимиз томонидан юксак эътирофга муносиб, деб топилиб, у Юртбошимиз Фармонига биноан “Шухрат” медали билан тақдирланди.

— Асосий мақсад-вазифаларимиз болалар, ўсмирлар ҳамда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш орқали улар ўртасида соғлом турмуш тарзини

шакллантиришга йўналтирилган, — дейди махсус спорт мактаби директори Гулнора Бобоева. — Ҳозир мактабимизда спортнинг олимпия дастурларига кирувчи 7 тури бўйича бўлимлар фаолият олиб бормоқда. Академик эшак эшиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, велоспорт, енгил атлетика, сузиш, синхрон сузиш, сув полосо машғулотларида 427 нафар ёш спортчи мунтазам шуғулланиб келмоқда. Қувонарлиси, улар республика ва халқаро миқёсдаги турли турнирларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Бунга ўтган йилда мактабимиз ёшларининг 69 та спорт мусобақасида катнашиб, 50 та олтин, 53 та кумуш, 54 та бронза медалини, жорий йилнинг биринчи чорағида эса 23 та олтин, 22 та кумуш ва 15 та бронза медалини кўлга киритгани ҳам ёрқин далил бўла олади.

Айниқса, академик эшак эшиш спорт тури бўйича вилоят вакиллари эришаётган натижалар салмоқли бўлмоқда. Хусусан, Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинлари, Москвада ўтказилган халқаро турнирлар ҳамда республика миқёсидаги кўплаб мусобақаларда спортчиларимиз эришган ютуқлар шулар жумласидандир.

Мисол учун, Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида Р. Наурузалиев

ва В. Дидрих жуфтлиги иккинчи ўринни кўлга киритди. Май ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида эса 13 нафар спортчимиз биринчи ўринни, Ўзбекистон кузги чемпионатида ҳам ўндан ортиқ ёш спортчиларимиз олтин, кумуш ва бронза медалларини кўлга киритишди. Улар орасида Ш. Алимов, В. Черненко, В. Дидрих, Р. Наурузалиев, С. Тянь, Е. Кузнецов, М. Қосимова, С. Мирзабекова, А. Дидрих, Д. Наурузалиев кабиларнинг иштироки муҳиссу мутахассисларда яхши тассурот қолдирди.

Мақтабда енгил атлетика спорт тури бўйича машғулотлар ҳам юқори савияда ўтказиб келинмоқда. Мазкур спорт тури билан шуғулланаётган ёшларнинг эришаётган натижалари ҳам буни тасдиқлайди. Жумладан, ўтган йили Республика олий спорт маҳорат мактаби кубоги мусобақасида махсус мактаб спортчиларидан И. Зайцов, А. Қозлов, В. Монолис кабилар со в р и н д о р л а р сафидан жой олишди. Яна бир умидли спортчимиз Д. Тўрабекова ўсмирлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида ҳамда Гулистон шаҳрида ўтказил-

ган “Баҳор маликаси” республика турнирида совринли ўринларни кўлга киритгани диққатга сазовордир. Мазкур мусобақада Н. Расулова, М. Икромова ҳам юғуриш баҳсларида барча рақибаларидан устун келишди.

Шунингдек, яқинда Термиз шаҳри мезонлик қилган “Баркамол авлод — 2011” спорт мусобақалари ҳам мазкур мактаб ўқувчилари учун муваффақиятли бўлди. Хусусан, Д. Тўрабекова 100 метрга тўсиқлар оша юғуриш ва 400 метрга юғуришда кумуш, А. Мақолиев кумуш, баландликка сакрашда Е. Коваленко кумуш, А. Аҳмедшин 50 метрга чалқанча сузиш мусобақаларида бронза медаллари билан тақдирландилар.

Мақтабнинг велоспортчи ёшлари эришаётган натижалар ҳам эътиборга сазовордир. Жумладан, ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Эрнест Османов яқаликда биринчи ўринни кўлга киритди. Яна бир умидли спортчи Ваҳид Шайхон жорий йилда ўтказилган “Ўзбекистон

Тур” республика чемпионатида мамлакат чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Мақтаб ўқувчиси С. Абдурасулов эса байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоасига жалб этилган. У ҳозир Германияда ўқув-машғулот йиғинида катнашапти.

Шуниси диққатга сазоворки, мазкур спорт мактаби 2005 йилдан буён Сирдарё вилоятида “Йилнинг энг яхши спорт мактаби” номинацияси бўйича ғолибликни кўздан бермай келаётди. Бу эса Василӣ Кеменов, Владимир Милтусов, Рузалия Зянгулова, Ширьян Шакиров, Севилә Сейдаметова, Зухра Файзиева каби мураббий ва ўқитувчиларнинг ёш авлод жисмоний камолоти, юрт номини дунёга танитишга қодир иқтидорли спортчиларни тарбиялашдаги хизматлари зое кетмаётганидан далолат беради.

Ш. ХОЛМУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Қ. ҚУННОЗОВ олган сурат.

САЛОҲИЯТИ БАЛАНД, ШИЖОАТИ ҚАТЪИЙ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Дилимда орзулар кўп, келажакда шифокор бўлмоқчиман, — дейди пойтахтимиздаги 42-умумтаълим мактаби битирувчиси Мафтуна Рустамова. — Тўққиз йил давомида мактабдаги меҳрибон ўқитувчи ва мураббийларимдан сабоқ олиб, умумтаълим фанларини пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилдим. Синфдош дўстларим билан турли фан тўғралашиб, ҳунар ва санъат йўналишидаги қўшимча дарсларда иштирок этиб,

кўпгина кўрик-танловларда совриндор бўлдим. Энди коллежда ўқишни давом эттириб, янада катта ютуқларга эришиш, билимни мутахассис бўлиб етишиш ниятидамиз. Бу йил Мафтуна сингари 257 нафар ўқувчи мазкур умумтаълим мактабини битирмоқда. Улар ўзлари учун унутилмас кўра — “Сўнгги кўнгирик” тadbиринда ғамхўр устозлари, қардон мактаблари ва дўстларига атаб шеърлар ўқишди, қўшиқлар куйлашди ва шу орқали қалбларидаги бегубор хис-

ларини ифода этишди. Шунингдек, байрам тadbиринда турли фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, кўрик-танлов ва беллашувларда муваффақиятли иштирок этган Темур Азизов, Дилдора Мараҳимова, Мафтуна Рустамова сингари иқтидорли ўқувчилар махсус номинациялар бўйича фахрий ёриқлар билан тақдирланди. Яна бир қувончли тadbир Хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ҳам бўлиб ўтди. Ушбу ўқув масканида 467 нафар ўқувчи таълим

олади, жорий йилда улардан 140 нафари мактаб бағридан учирма бўлмоқда.

— Мактабимизда инглиз, француз ва араб тилларига ихтисослаштирилган махсус дастур асосида таълим берилди, — дейди ўқув маскани директори Барно Раҳимова. — Ёшларимизнинг чуқур билим олишлари, иқтидор ва салоҳиятларини тўлиқ намойиш этишлари учун бу ерда барча имкониятлар муҳайё қилинган. Ахборот-ресурс маркази, компьютер синфлари, спорт мажмуаси, турли йўналишдаги тўғрақлар учун мўлжалланган аудиториялар шулар жумласидандир. Энг муҳими, ана шундай қулай шароитлардан баҳраманд бўлиб вояга етган битирувчиларимизнинг кўпчилиги илм-фан, спорт ва санъатда ҳавас қиларли ютуқларга эришишга муваффақ бўлишди.

Битирув кечасида иқтидорли ўқувчилар, ижодкор ва фаол ўқувчиларга рағбат ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Шундан сўнг тadbирда “Биз сизнинг издошларингизми!” деб номланган бадиий дастур намойиш этилди. Шу кунги мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги барча умумтаълим мактабларида “Сўнгги кўнгирик” тadbирлари юксак савияда, кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Муборақ ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.

Самарқандда республикамиздаги маданият, санъат, мусиқа коллежлари ва академик лицейлари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган аънавий республика кўрик-танлови аяқланди.

Истеъдодга қанот

Маданият ва спорт ишлари вазирилик ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан ташкил этилган ушбу тadbирда етти юз нафардан зиёд ёш истеъдод соҳиблари халқ чолгулари, академик ижрочилик, аънавий хонандлик ва созандалик, эстрада, театр санъати йўна-

лишларида ўз истеъдодларини намойиш этдилар. Тadbир ташкилотчиларининг эътирофича, танлов ғолиблари юртимиздаги санъат ва маданият йўналишидаги олий ўқув юртиларига имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Муктасар КАРИМОВА.



ДАРМОНДОРИ ДАЛАЧОЙ

Халқ табобатида шундай муолажа усуллари борки, улар ёрдамида ортиқча сарф-харажат ва оворагарчиликларсиз ҳам кўпгина сурункали хасталиклардан фориғ бўлиш мумкин.

Масалан, далаचीни олайлик. Ариқ бўйида, ўтлоқ, бедзор, боғлар ва тоғ ёнбағирларида ўсадиган бу ўсимликнинг дамламадасидан бўйрак, қовуқ, мева-ичак хасталикларини даволашда, қон тўхтатувчи восита сифатида кенг фойдаланилади.

Тиббиётда эса далаची тана ҳарорати ошганида, бавосилда тавсия этилади. Ундан ажратиб олинадиган фларистен моддаси эса гинекологик хасталикларни даволашда ишлатилади. Шунинг-

дек, грипп, суякларнинг қасқаб оғришида ҳам далаची наф беради. Бунинг учун унинг спирт-

Халқ табобати

даги тиндирмасини қўллаш керак. Тиндирмаси тайёрлаш учун 15 грамм қуритилган далаची ўти 200 грамм микродордаги қирқ фоизли тиббиёт спиртига солинади. Ва ушбу тиндирма 10 кундан сўнг кунига уч маҳал 30 томчидан ичилади. Тиндирмаси

бир оз суюлтириб оғиз чайилса, милқларни мустаҳкамлаш ҳамда оғиз бўшидаги ноҳуш ҳидларни бартараф этишда фойда беради.

Кесилган, ёрилган ва бошқа турдаги тери жароҳатларининг тез битишида эса далаची мойи ажойиб малҳамдир. Бу мойни уй шароитида тайёрлаш учун 20 грамм янги далаची гуллари 200 грамм кунгабоқар ёғига омикта қилинади ва икки ҳафтадан сўнг сузиб олиниб, 1 чой қошиқдан кунига уч марта таомдан олдин ичилади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

ОБ-ҲАВО (26 май)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 14-19, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.
Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.
Тошкент вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, баъзи худудларда

ёғимр ёғади. Ҳарорат кечаси 14-19, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.
Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 14-19, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёғимр ёғиши кутилмоқда. Кечаси 14-19, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.
Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 16-18, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.
«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 68231 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1-Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — А. Орпнов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Бурунов.
Мусахҳач — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буоқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5